ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
"NAZORAT-AUDIT" АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ
Тошкент ш, Госпитал даҳаси, 11/2-уй, СТИР: 202884570, ХХТУТ: 84400

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон шаҳри, Навоий кўчаси, 8-уйда жойлашган "Сурхон Пармалаш Ишлари" акциядорлик жамияти раҳбариятига (СТИР: 200489572)

Мен, Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси, 11/2-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2008 йил 28 июлда берилган 00067-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 11.12.2007 йилда 545-сон билан рўйхатга олинган, СТИР 202884570, банк ҳисоб рақами 20208000604400007713001, "Davr-bank" ХЁАТБ Чилонзор филиалида очилган, МФО: 01046, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "NAZORAT-AUDIT" аудиторлик ташкилоти директори-бош аудитор Назаров Баҳодир Нематович(Аудитор малака сертификати №05207 26.04.2014 йилда берилган)томонидан хўжалик юритувчи субъект "Сурхон Пармалаш Ишлари" акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботидан иборат 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декабрга қадар ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини икки томонлама тузилган шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, "Сурхон Пармалаш Ишлари" акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хщжалик юритувчи субъект "Сурхон Пармалаш Ишлари" акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ "NAZORAT-AUDIT"
аудиторлик ташкилоти директори: **Б.Назаров.**

м.ў.

28 апрел 2017 йил